Андижон машинасозлик институти
Машинасозлик факультети
“Ер усти транспорт тизими”
3-курс 0-93гуруҳ талабаси
Моминов А.нинг
Иқтисодиёт назарияси фанидан
тақдимоти

*Мавзулар*

1. *Ялпи талаб ва ялпи таклиф ва улар даражасига таъсир этувчи омиллар.*
2. *Цикллилик умумий харакат шакли.*
3. *макроиқтисодий баркарорлик тушунчаси ва унга эришишнинг классик назариялари.*
4. *Молия тизими. Давлат бюджети даромад ва харажатлари.*

*Ялпи талаб - бу, товарлар бозорида таклиф этилаётган товарлар ва хизматларга булган талабларнинг жамидир. Ялпи талаб мамлакат Иқтисодиётидаги ялпи ишлаб чиқариш билан иқтисодий субъектларнинг талаби хамда бахолар умумий даражаси Ўртасидаги боғликликни ифодалайди. Ялпи талабнинг усиши махсулот ишлаб чиқариш хажми ва иш билан бандликни рағбатлантиради, бахолар даражасига зарур микдорда таъсир этади.*

*Ялпи талабнинг тузулиши куйидагича:*

*истеъмол товарлари ва хизмаиларига булган талаб;*

*инвестиция товарларига булган талаб;*

*давлатнинг товарлар ва хизматларига булган талаби;*

*чет элликларнинг мамлакат экспортига талаби.*

*МакроИқтисодиётда ялпи талаб даражасига икки омил таъсир этади, яъни пул таклифи ва унинг айланиш тезлиги. Ялпи талабга таъсир этувчи омиллар аксарияти уй-хужаликлари истеъмол товарлари харажатлари, давлат харажатлари, соф экспорт, истеъмолчилар турмуш даражаси, соликлар ва уларнинг даражаси, имтиёзлар, валюта курслари харакатидаги тебранишлар, Ташқи бозорлардаги узгаришлар хамда бошкалар айнан пул таклифи ва унинг айланиши тезлиги таъсирида намоён булади.*

*МакроИқтисодиётда ялпи талаб даражасига икки омил таъсир этади, яъни пул таклифи ва унинг айланиш тезлиги. Ялпи талабга таъсир этувчи омиллар аксарияти уй-хужаликлари истеъмол товарлари харажатлари, давлат харажатлари, соф экспорт, истеъмолчилар турмуш даражаси, соликлар ва уларнинг даражаси, имтиёзлар, валюта курслари харакатидаги тебранишлар, Ташқи бозорлардаги узгаришлар хамда бошкалар айнан пул таклифи ва унинг айланиши тезлиги таъсирида намоён булади.*

*Ялпи таклиф - якка таклифлар йиғиндисидир. Якка такдиф сотувга чикарилган барча пировард ва хизматлар пул ифодасининг умумий хажмидир. Ялпи таклифга таъсир этувчи омиллар куйидагилардан иборат:*

*технологиядаги узгаришлар,*

*ресурслар бахолари,*

*соликлар ва бошкалардир.*

*Омилларнинг сифати маъносида иш кучининг касб, махорат даражаси ва ишлаб чиқариш технологияси тушунилади. Иқтисодий ресурслар сифати уларнинг унумдорлиги, муайян вактда хар бир омил бирлиги учун яратилган махсулот микдори билан характерланади*

*Шундай килиб, макроИқтисодиёт хар бир ходиса, категориянинг Ўртача микдорини ифодаловчи курсаткич хисобланади. МакроИқтисодиёт жон бошига туғри келадиган товар, мехнат унумдорлигининг Ўртача даражаси хар бир оилага Ўртача туғри келувчи даромад ва хакозоларни давр, вакт мобайнидаги узгариши тахлил объекти хисобланади. Талаб ва таклиф эса, кишилар эхтиёжини кондириши учун хизмат килувчи омил хисобланади. Кишиларда эхтиёж булса, у талаб килади ва уз урниа сотувчи хам хар хил товарларни таклиф килади.*

*МакроИқтисодиёт Иқтисодиётнинг ривожланиши, унинг хажми ва сифати, ялпи даромад, бандлик, товарлар ва хизматларни купайтириш муаммолари хакидаги илмдир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов узининг "И.А.Каримов. "Ўзбекистон - иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш юлида". Тошкент. "Узбекис-тон"1995й." номли асарида макроИқтисодиётни баркарорлаштириш масаласини катта стратегик (узокни кузлаган) устувор вазифа деб тавсифлайди*

*Бунинг маъноси-"макроИқтисодиётда мувозанатни саклаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка юл куймасликдир. Шунингдек, у пул кадрсизланишининг, пул эммисиясининг бошкарилишини таъминлаш, тулов балансини бир меъёрда саклаш..." дир (197 бет).*

*Иқтисодий циклларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг чуқур ва изчил равишда тадқиқ этилиши турли кўринишдаги иқтисодий цикл назарияларининг вужудга келишига олиб келди. Кўпчилик ҳозирги замон иқтисодчилари иқтисодий циклларнинг объектив тавсифини тан олиб, бу ҳодисани унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали ўрганишни тавсия қилади. Иқтисодий циклларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни экстернал назария деб аталади.*

*Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади. Бу ташқи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:*

- *урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар;*
- *олтин, уран, нефть ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши;*
- *янги ҳудудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равишда аҳоли миграцияси, ер шари аҳолиси сонининг ўзгариб туриши;*
- *ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.*

*Иқтисодий циклларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллари таъсирида вужудга келишини асословчи назария интернал назария деб аталади.* ***2.Иқтисодий цикл фазалари. "Узун тулкинлар назарияси"***

*Иқтисодий цикл хозирги назарияларга кура 4 фазадан иборат.*

***1) Юксалиш (БУМ);***
***2) Пасайиш;***
***3) Тургунлик;***
***4) Жонланиш;***



*Иҳлаб чиқариш кувватлари бушаб колади, товарлар хам туриб колади, бозор касотлашади. Мана шундай тушкунликни иқтисодий кризис деб хам аташади. Кизис пайитида ишлаб чиқариш ва узок муддатга мулжалланган товарлар ишлаб чикарувчи корхоналар энг куп зарар куради, улар ишлаб чиқариш хажмини кискариш, бандлик даражасининг камайиши энг максимал булади. Киска муддатга мулжалланган истеъмол товарлари ишлаб чикарувчи корхоналарда бу таъсир анча кам булади. Албатта бу эрда истеъмол таркиби узгаради, баъзи категория товарлар, озик овкат, кийим кечак микдор ва сифат жихатдан камайтирилиши мумкин. лекин умумий талаб нисбатан сезиларли камаяди.*

*Китчин цикли – захиралар цикли деб ҳам номланади. Бунда Китчин (1926 йил) молиявий ҳисоблар ва товар захиралари ҳаракатида сотиш нархларини таҳлил қилиш асосида 2 йилдан 4 йилгача давр давомидаги қисқа тўлқинларни тадқиқ қилишга ўзининг эътиборини қаратади.*

*Жугрлар цикли – бизнес-цикл, саноат цикли, ўртача цикл ва катта цикл каби номлар билан ҳам аталади. Олдинги даврларда иқтисодий фан 7-12 йиллик циклларни ажратиб кўрсатганлиги туфайли, айнан шу цикл Француз, Англия, АҚШда фоиз ставкалари ва нархдаги тебранишларни асосий сабабларини тахлил қилиш асосида саноат циклини табиатни ўрганишга катта хисса қўшган К.Жуглар (1819-1905 йй.) номи билан аталади.*

*Биринчи саноат цикли 1925 йил, машинали ишлаб чиқариш, металлургия ва бошқа этакчи тармоқларда ҳукумрон мавқейини эгаллаган даврда Англияда кузатилади. 1936 йилдаги кризис, дастлаб Англияда бошланиб кейин АҚШга ҳам тарқалади, 1847-1948 йилларда АҚШ ва қатор Эвропа давлатларида бошланган кризис, туб моҳиятига кўра биринчи жаҳон саноат кризиси бўлган.*
*Агар XИX асрда саноат цикли 10-12 йилни Ташқил қилган бўлса, XX асрда унинг давомийлиги 7-9 йил ва ундан ҳам кам давргача қисқарган. АҚШ ва Эвропанинг ривожланган давлатлари XX асрда 12 та саноат циклини бошдан кечирган бўлиб, улардан эттитаси иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берган.*

*Кузнец цикли – кўп ҳолларда «Қурилиш цикли» деб номланиб, 20 йилларгача бўлган иқтисодий тебранишлар билан аниқланади. С.Кузнец ўзининг «Миллий даромад» (1946 й.) номли китобида миллий даромад, истеъмолчилик сарфлари, ишлаб чиқариш мақсадидаги ускуналар ҳамда бино ва иншоотларга ялпи инвестициялар кўрсаткичларида 20 йиллик ўзаро боғлиқ тебранишлар мавжуд бўлишини аниқлайди. 1955 йилда америкалик иқтисодчининг хизматларини тан олиш рамзи сифатида саноат циклини Кузниц цикли деб номлашга қарор қилинади.*

*Кондратев цикли – «Узоқ тўлқинлар» цикли деб ҳам аталади. Циклликнинг бу назариясини ишлаб чиқаришга рус олими Н.Д.Кондратев катта ҳисса қўшади. Унинг татқиқоти Англия, Франция ва АҚШнинг 100-150 йил давомидаги ривожланишини қамраб олади. Бунда у иқтисодий ўсишнинг кўп омилли таҳлилини ўтказиб, яъни товар нархлари капитал учун фоиз,  наминал иш ҳақи, ташқи савдо айланмаси каби макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўртача даражасини умумлаштириш натижасида бир қатор катта циклларни ажратиб кўрсатади. А – а а*

қишлоқ хўжалигидаги суғориладиган ерлар анчагина қисмининг мелиоратив ҳолати қониқарсизлиги туфайли фойдаланишга яроқсизлиги ва бошқалар шулар жумласидандир.
Ушбу ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тезроқ ҳал қилиш, уларнинг ечимини излаб топиш, миллий истиқлол мафкурасининг мазмунини ва хусусиятларини тушуниш кўп жиҳатдан кишиларнинг иқтисодиёт сирларини, айниқса, бозор иқтисодиёти муносабатларининг мазмунини, уларнинг талаблари ва хусусиятларини, қонун-қоидаларини, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашнинг мақсади ва моҳиятини чуқурроқ билишларига боғлиқдир. Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодиёт тушунчаларини, унинг қонун-қоидаларини, тежамли хўжалик юритиш сирларини, турли кишилар ва хўжаликларнинг бир-бирлари билан манфаатли иқтисодий алоқада бўлиб, унумли меҳнат қилиш йўлларини ва шаклларини ўргатади.

*И-цикл: (1787-1814 йй. – кўтарилувчи тўлиқ, 1814-1851 йй. – пасайтирувчи тўлқин.*
*ИИ-цикл: 1944-1851 йй. – кўтарилувчи тўлқин, 1870-1896 йй. – пасаювчи тўлқин.*
*ИИИ-цикл: 1896-1920 йй. – кўтарилувчи*

*Иқтисодий цикллар назариётчилари ичида таникли рус олими Н.Д.Кондратев алохида урин тутади, "узун тулкинлар назарияси" номини олган унинг бу гояси "Конъюнктуранинг катта цикллари" (1925.й) маколасида уз аксини топган.*
*Хар бир давлат Иқтисодиётини ривожланиши иқтисодий курсаткичларини жами (Иқтисодий махсулот Миллий даромад. Саноат ишлаб чиқаришини хажми, иш хаки, олтин запаслари, хом-ашё материаллар билан таъминланганлик даражаси ва уларни казиб олиш, янги техника салмоги кабилар) билан характерланишини инобатга олиб олим Эвропа мамлакатлари (Англия, Франция, Германия, АКШ) да 100-150 йил давомидаги иш хаки, олтин, кумир казиб олиш, чуян эритиш каби юналишлардаги эришилган натижавий курсаткичларни таккослаб курди. Бу тадкикод давомида хар бир давлатнинг Иқтисодиётининг ривожланишида Ўртача 50 йил давом этадиган узун тулкинлар мавжуд деган фикрни илгари сурди хамда иқтисодий инкирозларнинг келиб чикиш табиатини чукур тахлил килишга эришди.*

*Макроиқтисодий баркарорликга истеъмол билан ишлаб чиқариш Ўртасида, талаб билан таклиф Ўртасида моддий ашёвий ресурслар билан молиявий маблаглар Ўртасида, ишлаб чиқариш омиллари билан улардан фойдаланиш натижалари Ўртасида умумий пропорцианаллик мавжуд булади.*

*Макроиқтисодий баркарорлик хар бир давлатнинг ва ик-тисодий фаннинг энг мухим муаммоси булиб, Иқтисодиёт турли талофатларсиз, яъни табиий офатлар ва ижтимоий-иқтисодий инкирозларсиз ривожланишини ифодалайди. Бу вазият икти-содиётдаги хар бир бугиннинг соглом ривожланишини талаб этади.*

*Бу холат цикллик характерда намоён булади. МакроИқтисодиёт масаласи барча миллий Иқтисодиётлар учун умумий булиб, универсал харатерга эга.*

*Молия тизими*

*Мавжуд молия муносабатларининг мажмуи– молия тизимидир. Молия тизими куйидаги унсурлардан таркиб топади:*

*давлат молияси (давлат бюджети);*

*корхоналар, фирмалар компания, концерн, Ташқилотлар молияси;*

*ижтимоий- сиёсий, маданий- маърифий фаолият билан шугулланувчи Ташқилотлар (сиёсий партиялар, касаба ва ижодий уюшмалар, ёшлар, хотин кизлар Ташқилотлари кабилар);*

*махсус максадли фондлар (масалан. “Умид”, “Устоз”, “Махалла” жамгармалари, “Улугбек”, “Оролни куткариш” кабилар);*

*хайрия фондлари*

*Мамлакатимиздаги молия тизимини бошкариш– молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари оркали амалга оширилади. Молия вазирлиги куйидаги вазифаларни бажаришга мутасадди килиб тайинланган:*

*давлатнинг молия сиёсатини амалга ошириш, молиявий режалаштириш, моливий манбаларни мувофиклаштириш, молияга оид конунларни ишлаб чикиш, солик сиёсатини амалга ошириш, монополияга карши кураш олиб бориш;*

*мамлакат бюджетини тайёрлаш ва уни Олий Мажлис хукмига такдим этиш;*
*давлат бюджетининг ижросини молиялаштириш, харажатларни назорат килиш;*
*молия тизимини такомиллаштириш ва унинг мамлакат ижтимоий хаётида фаол иштирокини таъминлаш;*
*барча турдаги молиявий ресурсларни давлат эхтиёжи учун туплаш, мулк шаклидан катъий назар молиявий интизом урнатиш;*
*кимматли Қогозлар бозорини Ташқил этиш ва молия бозорини мувофиклаштириш, уни назорат килиш;*
*хорижий сармояларни жалб этиш ва улар харакатига шароит яратиб бериш ва бошк.*
*Молиявий ресурсларни, жумладан бюджет маблагларини тугри сарфланиши устидан беъвосита назорат- тафтиш бошкармалари томонидан олиб борилади. Тафтиш материаллари асосида молиявий ресурсларнинг ахволи тахлил этилади, мамлакат Иқтисодиётининг молиявий согломлигини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланади.*

*Давлат бюджетининг харажатлари куйдагиларни уз ичига олади:*

*1. Ишлаб чиқаришни тараккий эттириш (инвестициялаш);*

*2. Давлатга карашли маориф, соликни саклаш, ижтимоий таминот, маданият тармокларини пул билан таъминлаш (ижтимоий, маданий сохага сарфлар);*

*3. Мавжуд давлат идораларининг харажатлари (бошкарув харажатлари);*

*4. Мамлакат мудофасини таъминлаш (харбий сохага харажатлар).*

*Давлат бюджетининг даромад кисми, биринчи навбатда ана шу турт хил харажатларни тула коплаш зурур.*

*Бюджет камомади бу харажатларни коплай олмаслиги билан богланган булиб, бюджет такчиллигини юзага келтиради.*

*Тахчиллик даражаси жуда катта ёки бюджет истеъмол юналишида булса бу иқтисодий хаф пайдо килиш мумкин.*

*Агар бюджет такчиллиги иқтисодий тараккиёт юналиши билан боглик булиб, ишлаб чиқариш, инвестициялаш юкори даражада булса, бунинг хавфли томони юк. Чунки Иқтисодиётни истикболли тузилишини яратиш, самарадорлигини ошириш ва умуман иқтисодий усишни кузлаган харажатлар булиб, бу уринни тезда оклаши мумкин.*

*Бюджетдаги мувозанатни таъминлаш ва ундаги такчилликни коплаш асосан иқтисодий ривожланиш, бюджет даромадларини ошириш туфайли амалга оширилади.*

*Жахон бозори ва халкаро савдо*

*Жахон бозорини шаклланиши учун узига хос иқтисодий шароит мавжуд булиши шарт. Бу эса иқтисодий тараққиётини маълум даражасидагина яратилади.*

*Жахон бозорининг хозирги даврдаги амалга оширувчилари ва унда асосий рол уйновчилар мамлакатлар ва уларнинг давлатларидир. Чунки мазмунан жахон бозори мамлакатлар Ўртасидаги бозордир. Шунинг учун хам бунинг Ташқилотчилари ва иштирокчилари аввало, давлатлардир. Лекин жахон бозори иштирокчилари бу билан чегараланиб булмайди. Чунки бунда бевосита давлатларнинг узи билан бирга улар номидан вакиллари хам катнашадилар. Бу бозорнинг узига хос хукукий томонлари мавжуд булиб, барча мамлакатлар учун мажбур булган умумий талаблар бўйича харакат килади.*

*Пул тулов хисоб китоблари банк муассасалари томонидан бажарилиб, улар махсус банклар булиши мажбур эмас. Молиявий операциялардан энг мухими товарлар сугартасидир. Бу билан махсус сугЎрта бизнеси муассасалари шугулланади. Агарда мамлакат Ташқи савдо инфраструктурасига эга булмаса, кушимча кийинчиликлар дуч келади. Чунки чет давлат инфраструктурасидан катта кушимча харажатларни талаб килади, яъни бошка мамлакатлар транспорти, сугЎрта, бизнес, банк муассасалари савдо кампаниялари хизматлари учун куп микдорда хак тулаш керак булади.*

*Хозир жахонда 9та йирик савдо блоки мавжуд.*

*1. ЭС, (Австрия, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Португалия, Ирландия, Испания, Дания, Финландия, Швеция, Белгия, Нидерландия, Греция, Люксембург)*

*2. Эркин савдо бўйича иқтисодий Америка келишуви . (НАФТА); АКШ, Канада, Мексика.*

*3. Эркин савдо бўйича Эвропа Ассоциацияси. (ЭАСТ) (Исландия, Норвегия, Швейцария, Лихтенштейн).*

*4.Осиё-Тинч океани иқтисодий хамкорлиги (Австралия, Бруней, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Янги Зеландия, Янги Гвинея, Япония, Индонезия, Филипин, тайван, Гонг-Конг Жанубий Корея Хитой, Канада, АКШ, Чили ).*

*5) МЭРКОСУР Бразилия, Аргентина, Уругвай, Парагвай ).*

6) Жанубий Африка ривожланиш Комитети. ( Ангола, Боцвана, Лесото, Малавия, Мозамбик, Намибия, Жанубий Африка. Республикаси, Танзия Зимбабве).
7) Гарбий Африка Иқтисодиёт ва Валюта Иттифоки, (Буркина-Фасо, Нигерия, Того, Сенегал, Бенин, Мали).
8) Жанубий Осиё Регионал хамкорлик Ассоциацияси, (Хиндистон, Покистон, Шриланка, Бангладеш Напал).
9) Анд пакти, ( Венесуелла, Колумбия, Эквoдор, Перу, Боливия ).
Бирлашмалар чегараларини олиб ташлаш, бир хил пул бирлиги киритиш, бож олишни юк килиб, ягона бозорни Ташқил этиш амалга оширмокдалар. Осиё, Америка,Шаркий Эвропа бозорларида биргаликда харакат килиш каби мухим иқтисодий вазифаларни амалга бажармокдалар.

Фойдаланилган адабиётлар.

Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 31-б.

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 67-б

Шодмонов Ш.Ш., Алимов.Р. Х., Жураев Т. Т. «Иктисодиёт назарияси» Тошкент, «Молия» 2010 йил

Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004, 217-бет.

Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 55-б.

Экономическая теория (политэкономия): Учебник/ Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, акад. Г.П.Журавлевой. – 4-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2004, с.78-79.;